# КОММУНИСТИК ЖАМИЯТНИНГ

## ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

Совет аёллари ўзларининг байрамлари — Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартни катта кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқдалар. Бу байрам чиндан ҳам эрк, озодлик, тинчлик, баҳор байрами сифатида завқли ва нашъалидир. Ҳар бир касб, ҳар бир меҳнаткаш сингари аёлларимиз ҳам бу улуғ айёмга ўзларининг муносиб туҳфалари билаб етиб келдилар. Улар халқ хўжалигини юксалтириш ишига қаҳрамонона меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Саноат, қурилиш, айниқса қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган улкан ютуқларда заҳматкаш аёлларимизнинг улуши ғоят катта бўлмоқда.

Бугунги кунда аёлларимизнинг ибратли ишлари, ажойиб ташаббуслари республикамиз бўйлаб кенг қанот ёзмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси Лидия Казанцева ва Евгения Губиналарнинг шахсий беш йиллик план топшириқларини муддатдан илгари бажариш юзасидан бошлаган ҳаракатлари қудратли тўлқинга айланди. Улар амалда совет аёллари нималарга қодир эканликларини кўрсатмоқдалар. Ҳозир бу азаматлар ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Тошкент авиация заводи фрезерчиси Альбина Девятованинг номи ҳам машҳур бўлиб қолди. У меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича шахсий беш йиллик планни тўрт йилда бажариш учун курашмоқда.

Фақат областимиз саноат корхоналарининг ўзидагина шахсий беш йиллик планини бажариш учун бошланган ҳаракатда юз мингдан ортиқ ишчи иштирок этмоқда. Уларнинг аксариятини аёллар ташкил этади. Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева ҳозирги кунда 2000 урчуқда ишлаб катта жасорат кўрсатмоқда. Ўз ишига моҳир, янги-янги жасоратларга қодир аёллар ҳар бир корхонада, қурилишда, илмий-текшириш муассасаларида ҳам бор.

Масалан, Бекобод шаҳрида халқ хўжалигининг ҳар хил тармоқларида 7500 дан ортиқ аёллар меҳнат қилмоқда. Уларнинг 1500 дан кўпи меҳнат зарбдорларидир. Ўзбекистон металлургия заводида меҳнат қилаётган 392 аёлга коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди. Олмалиқ шаҳрида ҳам 1980 аёлга коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак ном берилди.

Аёлларимиз раҳбарлик ишларида ҳам маҳорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги кунда область саноат корхоналарида 400 га яқин хотин-қиз раҳбарлик лавозимларида иш олиб бормоқда. Чирчиқ ойна заводи директори Т. П. Кисилева, Ғазалкент консерва заводи директори С. А. Мартинова, Чирчиқдаги «Ғунча» тикув фабрикаси директори З. В. Горянова, «Қизил тонг» фирмаси директори Г. Йўлдошева, тамаки фабрикаси директори Х. Жунайдуллаева, 3-тикувчилик фабрикаси директори Қодирова ва бошқалар ўзларига билдирилган ишончни шараф билан оқлаб келмоқдалар.

Йилдан-йилга пахта хирмонлари кўкка бўй чўзмоқда. Сабзавоткорларимиз, боғбонларимиз, чорвадорларимиз эл дастурхонининг тўкин бўлиши учун курашиб, коммунистик мўл-кўлчилик йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Бунда аёлларимизнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Область қишлоқ хўжалигида 30 мингга яқин аёл фидокорлик кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги бригадалар, фермаларни бошқармоқдалар. «Зангори кема» рулларига ўлтириб бункерлардан тонна-тонна «оқ олтин» тўкмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Умри Ҳасанова раислик қилаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз ўтган йили областда биринчилар қатори пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу колхозда ҳар гектаридан 32,3 центнердан ҳосил олинди. Машина терими плани ортиғи билан бажарилди. Моҳир ташкилотчи раис Умри Ҳасанованинг меҳнати муносиб тақдирланди. У Октябрь революцияси ордени билан мукофотланди. Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бўлим бошлиғи А. Айвазованинг номи ҳам машҳур бўлиб қолди. Ўтган йили бўлим ишчилари 875 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олдилар. Бу йил 45 центнерлик маррани мўлжаллаб меҳнат қилмоқдалар.

Пахтачилик касбини эъзозлаб, йилдан-йилга мўл ҳосил етиштириб келаётган, пахтачиликни механизациялаштириш ишига баракали ҳисса қўшаётган аёлларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Областда 300 дан ортиқ аёллар терим машиналарида меҳнат қилдилар. Турсуной Охунова бошлаган хайрли иш бугунги кунда республика бўйлаб катта кучга айланди.

Аёлларимиз партия, совет ишларида, халқ маорифи, маданият соҳасида ҳам фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашдек олижаноб ишда актив қатнашиб, янги анъаналарни ҳаётга татбиқ қилишда, илғор усуллар, тажрибаларни ишлаб чиқаришда жорий этишда ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йилида областимиз меҳнаткашлари олдида ҳам катта ва улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларни, зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш ҳар бир касб эгасидан меҳнатда жасорат намуналарини кўрсатишни, ишга ижодий муносабатда бўлишни, ҳамма ерда умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдиришни талаб этади. КПСС Марказий Комитетининг партияга ва совет халқига Мурожаати, КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларидан руҳланган областимиз меҳнаткашлари шу кунларда фидокорона меҳнат қилиб халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги ютуқларни қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Аёлларимиз ана шу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Биз улуғ айём кунида мунис ва меҳрибон оналаримиз, билагида кучи, юрагида ғайрати ҳамиша жўш уриб турган опаларимиз, сингилларимизни чин юракдан муборакбод қилар эканмиз, уларнинг меҳнатда, шахсий ҳаётларида янги муваффақиятларга эришишларини истаймиз.

**Х. СОДИҚЖОНОВА.**

Тошкент область партия комитетининг инструктори.



⊙ ОЛМАЛИҚ химия комбинати иккинчи навбатининг ишга туширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин коллектив ҳозирданоқ вақтдан ўзиб ишлаётган кўплаб илғор ишчилари билан фахрланади. Шулардан бири экстракция цехининг оператори Тамара Ефремовадир. Суратда: Т. Ефремова аппаратларни кўздан кечирмоқда.

А. Абалян фотоси.



КОЛХОЗ ва совхозларнинг сутчилик фермаларида шу кунларда иш жуда қизғин. 1-«Оҳангарон» совхозининг сут соғувчилари ҳам бу йил ўз зиммаларига юксак мажбурият олганлар. СУРАТДА: ферманинг илғор сут соғувчиси Нишон УТБОСАРОВАНИ кўриб турибсиз. У ҳар бир сигирдан 3350 килограммдан сут соғиб олмоқда.

## ИШОНЧГА СОДИҚМИЗ

Ота-боболаримиз меҳнат кишини улуғлайди, дейишади.

Атрофимдаги кишиларга назар солиб, ҳақиқатан ҳам бу гапларнинг тўғри эканлигига тўла ишонч ҳосил қиласан, киши. Хотин-қизларимиз ҳам ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ишнинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, меҳнат намуналарини кўрсатишмоқда.

Мен Ватанимиз пойтахти Москвада тез-тез бўлиб тураман. Катта-катта йиғилишларда қатнашаман. Турли касбдаги аёллар билан танишиб оламан. Узоқ, мириқиб гаплашамиз. Украиналик ғаллакорлар, тожикистонлик пахтакорлар, туркманистонлик гиламдўзлар, молдавиялик соҳибкорлар билан бирга бўламиз. Бу аёлларга қараган сари қарагинг келади. Улар меҳнатдан толиқмаган новаторлар, янги-янги, прогрессив иш методларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, кўпчиликнинг иззат ва ҳурматига сазовор бўлган аёллардир. Мен гаплашган аёллар ичида беш-олти ва ундан кўпроқ бола тарбиялаб, вояга етказган меҳрибон оналар ҳам жуда кўп. Улар юриш-туришда, ишда, оилада бошқаларга ўрнак. Ҳа, бу аёллар ҳақида қанчадан-қанча китоб, очерк ва лавҳалар ёзилса ҳам озлик қилади.

Минг-минглаб аёлларимиз ҳозир партиямиз XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириб, беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишламоқдалар. Бундай аёллар республикамиз саноат корхоналарида, пахта далаларида, чорвачилик фермаларида жуда кўп. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчилари Б. Жўраева, Л. Казанцева, Е. Губина ва бошқа ўртоқлар зиммаларига олган мажбуриятни муддатидан олдин бажариб, беш йилликнинг ҳақиқий зарбдорлари бўлишди. КПСС XXIV съезди делегати, комбинат тўқувчилари Б. Жўраева, Л. Казанцева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Тошкент самолётсозлик заводининг фрезерчиси Альбина Девятова, Оржоникидзе районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Мунаввар Исҳоқова ва бошқа аёллар билан ҳам биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Бундан бир неча йил олдин эллик центнерчилик ҳаракатини кенг қулоч ёйдириш ҳақида пахтакорларга мурожаат қилган эдим. Менинг ташаббусим областимиз хўжаликларида кенг ёйилди, эллик центнерчилик ҳаракати авж олиб кетди. Бригадамиз аъзолари ҳам ўтган йили сўзларининг устидан чиқишди. Ҳар гектар ердан эллик центнердан ошириб «оқ олтин» топширдик. Мен ўзим 300 тоннадан ортиқ пахтани машинада териб бердим.

Оиламиз аъзолари ҳам техникага ихлос қўйганлар. Синглим Инобат қўриқ ерларни ўзлаштиришдек ишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Мирзачўлга кетди. Бир неча йил тракторчи бўлиб ишлади. Бригадага бошчилик қилди. Ҳозир у янги ташкил этилган совхозда директор. Бу ерда ҳам у пахтачиликни механизациялаш ишига алоҳида эътибор беряпти.

Хотин-қизларимиз жамоат ишларида ҳам, ёш авлодни вояга етказиб, халқимизга муносиб фарзандлар тарбиялашда ҳам фидокорона меҳнат қилишяпти. Мен СССР Олий Совети депутати сифатида элимиз наказларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қиляпман. Шундай халқ вакили бўлган аёллар бизда кўп.

Биз, хотин-қизлар, эркаклар билан ёнма-ён туриб, ўзимизга юклатилган вазифани ана шундай сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиляпмиз.

Мен хотин-қизлар Халқаро байрами — 8 март кунида уларни яна бир бор табриклайман, келгуси ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

**Турсуной ОХУНОВА,**

Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

## МЕҲНАТ ШАРОФАТИ

Биз, савдо ходимларининг хизмати, меҳнатини ҳамма баҳолайди. Кишиларга қанчалик яхши хизмат қилсак, улар эҳтиёжини қондира олсак, ўзимизни шунчалик бахтиёр сезамиз.

Мен йигирма беш йиллик меҳнат фаолиятим даврида озми, кўпми одамлар хизматини жойига қўйишга ҳаракат қилдим.

Меҳнат туфайли «совет савдоси аълочиси» номини олдим. Оддий сотувчиликдан магазин директори даражасига кўтарилдим.

Магазинимизда ҳам шундай сидқидилдан ишлаётган сотувчилар оз эмас. Улар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Совет савдоси аълочиси Шорасул Шораҳмедов ишда барчага устоз, ташкилотчи, жонкуяр ходимларимиздан саналади. Н. Раҳматуллаев, М. Отақўзиев, А. Омонов, М. Абачина, Г. Нормирзаев, М. Акромов каби ташаббускор сотувчилар эса коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун курашмоқдалар.

Магазинимиз ихтисослашган гўшт, балиқ ва сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилади. Кейинги пайтларда балиқ маҳсулотларига аҳолининг талаб эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Шаҳар меҳнаткашларига савдо хизматини янада яхшилаш мақсадида магазинимиз қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади, магазин «Госпиталь» бозори ичида жойлашгани учун сабзавот ярмаркалари ташкил этаяпмиз.

Коллективимиз бу йил янада самарали меҳнат қилиб, пландан ташқари аҳолига 20 минг сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ниятида меҳнат қилишмоқда.

**А. Е. БАСКАКОВА,**

Ленин район пищеторгига қарашли магазин директори.



СУРАТДА: (чапдан) магазин ходимларидан Ш. Шораҳмедов, Г. Расулмуҳамедов, магазин директори А. Баскакова ва А. Волковалар.



Суратларда: Гулшод Отабоева (чапда) қўшиқ қанотида. «Баҳор» ансамбли қизлари янги рақс ижро этмоқда.

В. Салов фотолари.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ

ОНА меҳри, ёр ва диёр муҳаббати кундалик ҳарбий машғулотларни муваффақиятли бажаришда, оғир дала машқларининг барча қийинчиликларини енгиб, юқори кўрсаткичларга эришишда бизга бир дунё куч-қудрат бахш этаяпти. Қалбларимизга сўнмас аланга бағишлаяпти.

Биз бир гуруҳ тошкентлик йигитлар ҳозир серқуёш Ўзбекистондан олисда ҳарбий хизматни ўтаяпмиз, қадрли ва азиз Ватанимиз муқаддас тупроғининг даҳлсизлигини қўриқлаяпмиз. Демак, меҳрибон оналаримиз ҳамда севикли ёрларимиз гулгун бахти, қувноқ табассуми, фаровон турмушининг посбони вазифасини бажармоқдамиз.

Хотин-қизларнинг Халқаро озодлик куни — 8 март байрамида уларни барча қуролдошлар номидан қизғин қутлаймиз.

**Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,**
**А. БАҲРОМОВ,**
**С. МУҚИМОВ,**

Н-қисм.

## (ЛАВҲА) САИДА



У бундай катта йиғинда биринчи бор сўзлаши. Залдаги тумонот одамнинг салобати босдими, минбарга кўтарилар экан, юраги дукдук урарди. Лекин, залга бир зум тикилиб олгач, унга меҳр билан қараб турган кўзларни кўрди-ю, ўзини бироз босиб олди. Ўз цехи, бутун коллективи номидан уларнинг меҳнат ютуғи, режалари ҳақида гапирди:

— Шуни қувонч билан айтаманки, областимиз меҳнаткашлари катта мусобақада ғолиб чиқишда бизнинг Чирчиқ электрокимё комбинатининг ҳам ҳиссаси бор. Коллективимиз топшириқни муддатидан аввал бажарди. Колхоз ва совхозларга пландан ташқари 15 минг тоннадан зиёд минерал ўғит етказиб берилди. Бизнинг 51-цехга келсак, ҳар биримиз шахсий мажбурият олганмиз. Сифат учун, хом ашёни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашмоқдамиз. 1973 йилнинг ўзида 13 минг сўмлик хом ашё иқтисод қилдик...

Йиғин тугаб, пойтахтдан ўз шаҳарчасига йўл олганда кеч кириб қолганди.

Йўллар... киши сафарда кетаётиб беихтиёр хаёлга берилиб кетади-да... Саиданинг кўзлари йўлда-ю, аммо хаёли уни узоқларга етаклаб кетганди... Эрталаб кабинетда унга Тошкентга боришни хабар қилишди. Областимиз юксак мукофот — саноат, транспорт, қурилиш ходимларининг 1973 йилдаги иш якунига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан тақдирланганлиги, байроқни топшириш маросими бўлишини, митингда комбинат номидан сўзлашини айтишганди.

Саида қўл соатига қараб қўйди. Шу куни у тунги сменага, яъни соат 24 да ишга тушиши керак. Вақт бор, уйига кириб, кўрганлари, ўзи сўзга чиққани ҳақида онажонисига гапириб, улгуради. У тунги сменани ўйлаганда, бир воқеа хотирасига келди-ю, беихтиёр жилмайиб қўйди.

Комбинатга биринчи бор келган кунда Саида йигирма ёшида эди. Уни ишга қабул қилишди, бугуноқ ишга келинг, дейишди. Суюнганидан, ҳаяжонланганидан кундузи бироз мизғиб олай, демабди ҳам. Тунги соат ўникkида иш бошланди. Биринчи иш куни! Дастлабки қадам. «Уддалаб кетсам бўлгани, ишқилиб уялиб қолмай» деган гапларни кўнгилдан ўтказарди. Қизининг ҳаяжонини пайқаб турган смена бошлиғи Анатолий Федорович Никитин:

— Қани, қизим, ишни бошлайлик, — деди Саидани аппарат ёнига етаклаб. — Сенинг вазифанг мана шу рақамларга диққат билан қараб туриш. Кўряпсанми, аппаратнинг мили 125—130да турибди, шундан ошмаслиги керак. Бу печкаларни иситиш ҳароратининг ўлчови. Шитларда эса 300 градусгача иссиқлик мавжуд. Лекин, ҳарорат бояги нормадан озгина бўлса ҳам кўтарилиб кетмасин. Унда маҳсулот бракка чиқади. Уқдингми?

Устоз қизга ҳароратни нормаллаштириш учун нималар қилишни уқтирди.

Қизнинг кўзлари аппаратда. Уни бошқариш жўн, фақат зийраклик керак. Бир, икки, уч соатча вақт ўтди. Аммо ярим тунга борганда Саидани қаттиқ уйқу босди. Бир-икки мудраб ҳам олди. Чўчиб уйғонади-ю, дарҳол аппаратга қараб, ўлчовни текширади, «Хайрият жойида» деб ўзига таскин беради. Эрталабки смена келгунча мижжа қоқмай тонг оттирди.

У комбинат дарвозасидан чиқаётганда назарида ҳамма «Касбинг муборак бўлсин, аппаратчи қиз!» деяётгандай эди. Шу катта даргоҳга келганидан, шу мўътабар дарвозадан кириб-чиқиб турган одамлар — рус, ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, татар, қўйингчи, турли миллатдан иборат катта оилага аъзо бўлиб қолганидан қувониб борарди.

Уйига етгач онаси Мунаввар опанинг:

— Уйқу қисмадими, қизим, — ҳорма, — деб берган саволига кулимсираб, бош қимирлатди. «Аввал бир мизғиб олай» деди-ю, қаттиқ уйқуга кетди...

Ҳар бир ишда ҳам чаққон, зийрак кишилар дарров кўзга кўрина қолади. Саиданинг тиришқоқлиги, топшириқни бекаму-кўст, кўнгилдагидай қилиб бажариши цех бошлиқларига маъқул тушиб қолганди. Уни бу ишдан масъулиятлироқ, нозикроқ ишга ўтказишди. Яъни аппаратчи-синовчи қилиб қўйишди. Энди Саида тайёр маҳсулотни кўздан ўтказиб, ҳар бир маҳсулот ўлчови шу нормадан ошиқ, ҳам, кам ҳам бўлмаслигини назорат қилади. Бу ерда ҳатто бир граммга ҳам адашмаслик зарур.

Йиллар! Бунча бир-бирини қувлаб тез ўтмаса! Комбинатга келганига ҳам ҳаш-паш дегунча беш йил бўлибди. Аммо, илк бор ҳаётга қадам қўйган Саида учун анча-мунча тажриба мактаби бўлди, бу йиллар.

Автобусдаги йўловчи йигитлардан бири транзисторини бураб қўйди. Ёқимли шарқ куйи эшитилди. Хаёл дарёсида чўмиб кетаётган Саиданинг чеҳраси очилиб кетди. У бу қўшиқни жуда-жуда севади. Ўзининг ҳам ширали овози бор. Маданият саройларидаги ҳаваскорлар тўгарагида иштирок ҳам этади. Гоҳида юрган йўлида ҳам хиргойи қилиб, қанча-қанча орзулар, яхши ниятларни юрагида туғиб олади.

Унинг атрофдагиларга меҳрибонлиги туфайли тезда жамоат ишига жалб қилишди. Цех касаба союз ва цех комсомол комитетларининг аъзоси қилиб сайлашди. Кўпнинг хизматида бўлишнинг ҳам ўзига хос хусусияти борда! Саида жон-дили билан бу ишларни бажарди. Орадан икки йил ҳам ўтмай, комсомоллар уни цех комсомол комитетига секретарь бўлсин, деб туриб олишди. Шу йили унга яна бир катта ишонч билдиришди. Саидани шаҳар Советининг депутати қилиб сайлашди. Депутатлик гувоҳномасини кўтариб келган куни Мунаввар опа қизига меҳри товланиб боқаркан, назарида қизи анча улғайиб, вазмин, ўйчангина бўлиб қолгандай бўлди. «Мен бир аризани текширгани кетяпман, ойижон» деса онаизор «Бороқол, болам» дейди-ю, ортидан мамнун тикилиб қолади. Депутат ўзи тенги бир аёлнинг ташвишида комбинат парткомининг секретари ҳузурига борди.

— Роза ҳақида келдим. Унинг эри — 160-автобазанинг шофери, хотинини қийнаб юборяпти. Ахир Роза бизнинг ишчимиз-ку! Унга квартира берайлик, шу балодан қутилсин, — ачиниб гапирди Саида.

Комбинат партия комитети секретарининг ўринбосари Абдуллаев турмуш машмашасидан бехабар қизга тикилиб туриб:

— Бу ишимиз нотўғри бўлади, қизим. Унда Розанинг эри биздан даъво қилиб уйимни бузди, демайдими? Яхшиси эрининг ишхонаси, партия ташкилоти билан гаплашиш, тарбиялаш, хатосини тузатиш керак. Икки ёш, фарзанди бор экан, яхши яшаб кетишсин.

Саида дарров тушунди. «Хўп, шундай қиламан» деб чиқиб кетди.

Эртага ишдан чиқса, кундузи вақти бўлади, шунда Розанинг ҳолидан хабар олади.

Ана шу хаёллар билан у шаҳрига келиб қолганини ҳам сезмай қолди. Дилда қанча режалар билан шаҳдам юриб кетди. Кимёгар Саида Бобожонованинг орзуси катта, келажакда у химия технологияси бўйича катта билим олмоқчи, мўъжизалар яратмоқчи.

Яхши ният йўлдошинг бўлсин, Саида!

**Ф. УСМОНОВА.**

